19 697

ОЛИМНИНГ ТАДБИРИ

Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультети декани муовини Норқул Бекмирзаев узоқ йиллар тўплаган китоблари асосида кутубхона очди. Олимнинг шахсий кутубхонаси ёшларнинг бепул мутолаа қилишларига, турли қизиқарли манбаларга мурожаат этишларига имкон бермоқда. Кутубхонада XX аср жаҳон адабиёти намояндаларининг ноёб асарлари ҳамда табиий ва ижтимоий фанлар бўйича дарсликлар бор. Шунингдек, бу ерда шахмат-шашка ўйнаб, хордиқ чиқариш мумкин.

Рўзибой АЗИМИЙ.

ГАЛЛА ЎРИМИ ҚИЗГИН

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги "Янгиқўрғон" жамоа хўжалиги ғаллакорлари жорий йилда 1460 тонна сара дон етиштиришни режалаштиришган. Ана шу мақсадда 472 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Куни кеча хўжалик деҳқонлари биринчилардан бўлиб арпа ўримига киришдилар. Бу ўринда И. Тошматов, С. Бозоров, Ш. Шарипов каби комбайнчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Дастлабки ўримдаёқ ҳар гектардан ўртача 38-40 центнердан ҳосил кўтариляпти. Ғаллакорлар бугун буғдой ўримига ҳам оммавий сафарбарлик билан киришишади.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЙИЛ ОЙИ КУН

7 ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ИШОНЧЛАР

УЧТА ОЛТИН СОВРИН

Республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг талабаси Елена Савельева жаҳон спорт майдонида муваффақият қозонди. У спортнинг трамполина — батутда сакраш тури бўйича Янги Зеландия ва Швецияда ўтган жаҳон кубоги учун кураш босқичларида олтин нишонлар олган эди. Яқинда эса Португалиядаги беллашувдан яна бир олтин нишон билан қайтди. Елена сентябрь ойида жаҳон кубоги мусобақасида қатнашади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

"ЎРИНГ-ЎЗ" АВТОПОЙГАСИ

"Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси бу йилги автопойга дастурини янада такомиллаштирди. Трасса бўйлаб ҳаракатнинг жадвали белгиланди. Унга махсус манзилдан ўтиш вақтига қатъий риоя этиш, мерганлик ва сузиш мусобақалари, шунингдек, ғилдиракларни алмаштириш каби янги дастур киритилди. Мусобақа иштирокчилари қарийб 200 километрли йўлда қизғин баҳслашадилар. Ғолибларни қимматли совғалар кутмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 7 июнь, шанба № 66 (22.150).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

5 июнь куни Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилиши бўлди. Мажлисни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Унда тегишли вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, жамғармалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олийжаноб орзуимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади, деди Президент. Ана шу мақсадда шу йил бошида давлат комиссияси тузилиб, унга республика кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Бугунги йиғилишдан мақсад мазкур дастурда кўзда тутилган тадбирларга муносабат билдириш, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишда унга қандай ўзгартиришлар киритиш ҳақида комиссия аъзолари, мутахассислар билан яна бир карра фикр алмашиб олишдир.

СУРАТЛАРДА: мажлис пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Дастурда кўзда тутилган асосий мақсад нимадан иборат? **Биринчидан,** биз эркин, демократик жамият барпо этяпмиз. Бозор муносабатлари ҳаётимизга теран кириб бормоқда. Маънавиятни юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Қисқача айтганда, дунёқарашимиз, ҳаётимиз ўзгармоқда. Лекин, таассуфки, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгариш рўй бермаяпти. Аслида ислоҳотларни мана шу соҳадан бошлаш керак эди. Бу тизимдаги ишларимиз ҳамон эски қолипда давом этмоқда ва у ҳозирги замон талабларига мутлақо мос эмас. Шунинг учун биз бу тизимга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришимиз, миллий дастуримизда қандай ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини белгилаб олишимиз зарур.

Иккинчидан, тан олиб айтиш керакки, бизда қарор топган таълим-тарбия тизими марказдан бошқарилар эди. Шунинг оқибати ўлароқ, бу ишда турли пала-партишликларга йўл қўйилди. Хусусан, моҳияти номаълум бўлган, сунъий ўн бир йиллик таълимга ўтилди. Бунда миллий ўзига хослик, қадимий тажриба, анъаналар инобатга олинмади. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ миллий дастур ишлаб чиқиш нақадар зарурлигини исботлайди.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон дунёга юз очди. Бугун дунёдаги демократик, муттараққий давлатлар тажрибасини ўрганиш имкониятлари ғоят кенг. Бу борада ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Улар тўплаган тажрибанинг биз учун мақбул жиҳатларидан фойдаланиш ҳам миллий дастуримизда кўзда тутилмоғи даркор. Энг муҳими, шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор.

Чунки бизнинг халқимиз талант ва иқтидор жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмас. Унга маърифатнинг равон йўллари очиб берилса, жаҳонда ўзига яраша обрўли ўринни эгаллай олади, деди Ислом Каримов.

Шу ўринда амалдаги таълим-тарбия тизимининг камчиликлари нималардан иборатлигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бу камчиликлар аввало мактабларимиз, ўқув даргоҳларимизнинг моддий базаси талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Иккинчидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савияси замон талабларига жавоб бермайди. Ўзингиз ўйланг, ўқитувчининг ўзи эски замон дастурлари асосида ўқиган бўлса, ислоҳотлар моҳиятини ўзи теран англаб етмаса, у қандай қилиб болаларга бу соҳада замонавий билим бersин? Қолаверса, бизда ўқув жараёнининг босқичлари илмий асосланганми, ўқувчи биринчи синфда нималарни, бешинчи синфда нималарни билиши керак? Уларга маънавият асосларини неча ёшдан ўргатган маъқул? Билим ва тажрибанинг болалар онгида уйғунлашиб боришига қандай эришилади? Бу масалаларни ким, қайси илмий муассаса ўрганмоқда?

Мен боя таълим-тарбия тизимида пала-партишликлар мавжуд деганимда ана шу саволларни ҳам назарда тутган эдим. Натижада биз ёшларимизни мустақил фикрлашга керакли даражада ўргата олмадик. Мактабларни битириб чиққан айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ. Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати айнан мана шундадир, деди юртбошимиз.

Ишлаб чиқилаётган дастур мактабгача тарбия муассасаларидан то олий ўқув юртларигача бўлган билим даргоҳларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутади. Мазкур дастур қандай амалга оширилади, янги таълим-тарбия тизимига қайси муддатларда ўтилади? Мана шу саволларга аниқлик киритиб олишимиз лозим.

Биз мамлакатимизда тўққиз йиллик мажбурий ва уч йиллик ихтисослашган таълимни жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Шундай экан, ана шу янги тизимга хос моддий-техника базасини яратиш зарурати туғилади. Янги тизимга ўтиш муддатини белгилашда ана шу жиҳатни инобатга олиш зарур. Токи пухта ўйламай қўйилган бирон қадам янги тизимни обрусизлантириб қўймасин. Биз астойдил ҳаракат қилсак, икки-уч йил мобайнида тайёргарлик ишларини тугаллай оламиз, деб ишонаман.

Бу ўринда уч йиллик таълимга жиддий эътибор бериш керак. Чунки у биз учун янгилик бўлиб, ҳозирги ўрта мактаб, билим юртлари ва техникумларидан кескин фарқ қилади. Бу ерда ёшлар бозор муносабатлари шароитида ишлай оладиган, рақобатга бардош берадиган касб ва ҳунар эгалари бўлиб етишади. Бошқача айтганда, ҳаётга тайёрланади. Бу эса унда ишлайдиган ўқитувчиларга катта талаб қўяди. Ҳозирги ўрта мактаб ўқитувчилари бу билим даргоҳларида тўғридан-тўғри ишлай олмайдилар. Уларни аттестациядан ўтказиш, камида турли олий ўқув юртлари қошидаги курсларда қайта ўқитиш зарур бўлади.

Янги тизимга ўтилар экан, комиссия харита тузиб, ҳар бир уч йиллик ўқув даргоҳининг қайси вилоят, қайси туман, қайси шаҳар ёки қишлоқда жойлашишини, қанча ўқувчи қабул қилишини, у қайси тўққиз йиллик мактаблар битирувчилари ҳисобидан тўлдирилишини белгилаб чиқишлари шарт. Унда неча хил ихтисослик бўйича ўқитилади, уни ким маблағ билан таъминлайди, ким жиҳозлайди, узоқдан қатнаб ўқийдиганлар учун ётоқхона ёки интернат қуриладими? Ана шу саволларга ҳам олдиндан жавоб тайёр бўлиши керак. Қолаверса, бу мактаблар учун иложи борича янги

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА»

ХОРИЖЛИКЛАР УЧУН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида 6 июнь куни Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг мамлакатимиздаги хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари вакиллари, чет эллик журналистлар учун тақдимот маросими бўлди.

Маросимни ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов очиб, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган республикамиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур китобнинг мазмун ва моҳияти ҳақида сўзлади.

Асарнинг айни ҳозирги кунда яратилиши бежиз эмас. Чунки, ўтиш даври деб аталган бугунги кунда мамлакатлар тараққиёти ва фуқаролар фаровонлиги фақатгина иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллар билан чекланиб қолмаяпти. Айрим давлатлардаги шовинистик дунёқараш, мутаассиблик, наркобизнес, миллатлар ва элатлараро низолар ҳам тараққиётга тўсқинлик қилмоқда. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида бу муаммолар теран таҳлил этилган, айни чоғда уларни бартараф этиш йўллари аниқ-равшан кўрсатиб берилган.

Тақдимот маросимида Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст, Олий Мажлиснинг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов ҳамда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Миракбар Раҳмонқулов сўзга чиқдилар.

Таъкидландики, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби кенг жамоатчиликка қаратилгани билан эътиборга молиқдир. Унда халқ, Ватан манфаати биринчи ўринга қўйилади ва барқарор тараққиётни кафолатловчи омиллар, иқтисодий ўсиш асослари ҳақида теран илмий фикрлар баён этилади. Маросимда сўзга чиққанлар мазкур асарни давлат раҳбарининг халқ билан очиқ мулоқоти, дея баҳоладилар.

Хавфсизлик нуқтаи назаридан ёндошилганда эса, Президентимизнинг мазкур китобини замонавий хавфсизлик фалсафаси ва стратегиясини ўзида тўлиқ акс эттирган қўлланма, дейиш мумкин. Бинобарин, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби нафақат ватанимизда, балки хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўқиладиган, ижтимоий онгни юксалтиришда ва замонавий дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган асардир, деб таъкидланди маросимда.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Саудия Арабистони подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Абу Бакр Аббос Рафиа ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда Саудия Арабистонининг биринчи элчиси фаолият бошлаганидан мамнуният билдириб, Абу Бакр Аббос Рафиани ушбу шарафли вазифада иш бошлаётгани билан қутлади. Шунингдек, Президент Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш йўлида элчи жанобларининг меҳнати алоҳида аҳамият касб этажагини айтди.

Абу Бакр Аббос Рафиа мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш йўлида бор кучғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Александр Пацев ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

— Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар узоқ тарихга бориб тақалади. Халқларимизни бир-бирига боғлаб турадиган кўплаб ришталар мавжуд, — деди Ислом Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан. — Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўзаро муносабатларимиз тенглик негизига қурилган янгича тамойиллар асосида шаклланди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

А.Пацев Россия ҳукумати Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб бораётганини айтди. Шунингдек, у мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига имкон қадар ҳисса қўшажагини билдирди.

***

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Испаниянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хосе Антонио де Итурриага Барберан ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда юксак халқаро мавқега эга бўлган Испания давлати элчихонасининг очилиши қувонарли воқеа эканини таъкидлади. Шарафли ва масъулиятли вазифасини бажаришда Испания элчисига муваффақият тилади.

Хосе Антонио Де Итурриага Барберан Испаниянинг Ўзбекистон билан муносабатларни янада яхшилаш ҳамда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этиб, зиммасига юкланган вазифани шараф билан адо этишга ҳаракат қилажагини таъкидлади.

* * *

Шунингдек, 6 июнь куни Президент Ислом Каримовга Марокаш подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Бурзаим ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Марокаш подшоҳлигини халқаро можароларни ҳал этишга катта улуш қўшаётган давлат деб билишини айтиб, масъулиятли миссиясини бажаришда Аҳмад Бурзаимга муваффақият тилади.

Марокаш элчиси кўрсатилган самимият ва ишонч учун Президентга миннатдорлик билдирди, зиммасига юкланган вазифани адо этишда кучқувватини аямаслигини таъкидлади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

«КОБРА»ЧА ҚИЛИҚЛАР...

Ўтган йил бошида Урганч шаҳрида бир кичик корхона очилди. Шаҳар ҳокимлиги 1996 йил 29 февралдаги 70-Ж-сонли қарори билан мазкур корхона низомини тасдиқлаб берди. Хўш, нима бўлибди дерсиз? Кичик, хусусий корхоналар кунаро очилиб турган пайтда бу хабарнинг нима қизиғи бор? Гап шундаки, кичик корхона «Хоразмавтойул» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси қошида очилган ва унга «Кобра» деб ном қўйилганди...

Кичик корхона номланишиёқ... ниманидир англатарди. Аммо, низомда ана шу шубҳаланишга ҳеч бир асос йўқ. Унда илон боқишлик, тутқинликда сақлашлик кўрсатилмаганди. Низом талабларига кўра одатдаги кичик корхоналардан бири эди, холос.

Аслида «Кобра»да ҳозирда иккита бўғма илон (питон) ва ўткир заҳарли ҳисобланган 23 та кўзойнакли илон (кобра) тутқинликда асралмоқда.

Сал соддароғимиз, бу сўзларни ўқиб, «Мана ишбилармонлик! Азаматлар қаддини урсинлар!» дейиши мумкин.

Лекин, барчамиз учун бир бўлган ва риоя қилишимиз, бажаришимиз шарт қонунлар мавжуд. Жумладан, «Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар турларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорда шундай дейилган: «Барча корхона ва ташкилотларга, шунингдек хусусий шахсларга тегишли рухсатномаси бўлмай туриб ёввойи ҳайвонларнинг (шу жумладан заҳарли жониворларнинг) қимматли ва йўқолиб бораётган турларини тутқинликда сақлаш ва улардан заҳар олиш ва бу заҳарни сотиш маън қилинади».

Ушбу қарорда яна белгилаб қўйилганки, «Қизил китоб»га киритилган жониворларни табиатдан ҳар қандай кўринишда тортиб, ажратиб олишга алоҳида ҳоллардагина Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тақдимномаси ҳамда Узбекистон Республикаси Фанлар академияси хулосасига кўра республика Вазирлар Маҳкамаси берадиган рухсатномалар асосидагина йўл қўйилади.

Қонун чиқарувчи органнинг мазкур қарори юзасидан республика Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 15 декабрда қабул қилган 600-сонли қарори билан тасдиқланган «Ёввойи ҳайвонларни (шу жумладан, заҳарли жониворларни) кўпайтириш ва ундан маҳсулот олиш мақсадида тутқинликда сақлаш тартиби»да кўрсатилишича, ҳар қандай ёввойи ҳайвон тутқинликда фақат Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги «Давбионазорат» ташкилоти томонидан бериладиган рухсатнома асосида сақланиши мумкин.

«Кобра»даги маъсул «илоншуносларр» тегишли ташкилотдан тегишли рухсатномани олишмабдида, . бир хато қилишибди, бу камчиликни тузатиш мумкин-ку, дейишингиз мумкин.

Йўқ, гап бошқа ёқда. Мазкур «тартиб»да қайд қилинганки, ёввойи ҳайвон(илон)ларни кўпайтириш ва ундан маҳсулот олиш мақсадида тутқинликда сақлаш ҳуқуқи фақат Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмончилик давлат қўмитаси ва «Ўзгоомбирлашмаси» гагина берилган. Айни пайтда атроф-муҳитга, одамларга зиён етказмаслиги учун, шунингдек, «Қизил китоб»га киритилган ноёб жониворларнинг йўқ бўлиб кетмаслиги олди олиниши мақсадида бу турдаги ҳайвон(илон)ларни фақат Фанлар академияси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўрмончилик давлат қўмиталари томонидан ташкил қилинган махсус питомникларда тутқинликда сақлашга рухсат қилинади.

«Хоразмавтойул» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбарлари бу қарорлардан бехабарлар дейиш қийин. Чунки, юқорида эслатганимиздек, кичик корхона низомида «илон боқиш билан шуғулланиш» кўрсатилмаган. Демак, қонунни бузиб, яширин тарзда «ишбилармон»лик қилиш кўзда тутилган.

«Қизил китоб»га киритилган ва ўта заҳарли ҳисобланган кўзойнакли кобра илонларидан олинадиган заҳарнинг ҳар грамми жаҳон бозорида қанча туриши, фақат валютага сотилишини эслатсак, «ишбилармон» жанобларнинг асл мақсадлари равшан бўлади-қолади.

Узбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ юқорида кўрсатилган қонун бузилишларини бир ой ичида бартараф этишни талаб қилиб бирлашма раиси В. Полвоновга 1997 йилнинг 6 январида амрнома бергандик. В. Полвонов «хатоларини тан олиб», амрнома ижро муддатини 1997 йилнинг 10 мартига қадар узайтиришни сўраб бизга мурожаат қилди. «Кобра»да боқиладиган кобраларни «бартараф қилиш» қийинчиликларини эътиборга олиб, биз бирлашма раиси илтимосини қаноатлантирдик ва ижро муддатини икки ойга чўзишга розилик бердик.

Афсуски, бирлашма раиси В. Полвонов ва «Кобра» кичик корхонаси раҳбарлари «илтимослари қаноатлантирилиши»дан хотиржамликка берилишди ва мана орадан беш ойча ўтдики, амрнома ижро қилинмади. Еки қонун тили билан айтадиган бўлсак, олий органлар қонун ва қарорлари оёқ ости қилиниб, бажарилмай келинмоқда.

Қонун — ҳамма учун бир. Буни «Кобра»даги жанобларнинг унутмасликлари керак!

Бекпўлат КЕНЖАЕВ,
Орол табиатини муҳофаза қилиш прокурори муовини, адлия маслаҳатчиси.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

замонавий бинолар қуриш лозим.

Бу ишларни амалга оширишда мамлакатимиздаги демографик вазиятни, аҳолининг ўсиш суръатларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Биз қайси йили нечанчи синфга қанча ўқувчи боришини аниқ билишимиз даркор.

Ана шу кўрсаткичлар аниқлангач, Молия вазирлиги, ҳокимликлар ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади, дастурни маблағ билан таъминлаш манбаларини белгилайди.

Дастурда олий таълимни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бериш зарур, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бу илм даргоҳларини битириб чиққан мутахассислар замонавий стандартларга жавоб бериши бугунги кун талабидир.

Илгари ёшлар, айниқса, уларнинг ота-оналари онгида шундай тушунча ҳукмрон эди: кимки олий ўқув юртини битирса, нони бутун бўлади, ҳаётда ўз ўрнини топади. Бир кун келиб раҳбарлик лавозимини эгаллайди. Бу моддий манфаатдорлик кайфиятидан келиб чиқадиган қараш эди. Бошқача айтганда, институт ёки университетда обрў учун, келажакда қандайдир кафолатга эга бўлиш учун ўқиларди. Афсуски, ҳозир ҳам ана шу ҳолатни қумсайдиганлар йўқ эмас. Баъзида олий ўқув юртини аъло баҳоларга тугатганларга шундай кафолат бериб, уларни давлат тақсимоти бўйича ишга юборишни тавсия этишади. Аслида бозор муносабатлари шароитида аълочи талабанинг харидорлари кўп бўлиши керакку. Олий таълимдаги асосий камчилик мана шунда эмасми? Ҳолбуки, олий ўқув юртида фақат обрў учун эмас, балки билим олиш учун ўқиш керак. Биз билимнинг, мутахассислик шаҳодатномасининг нуфузини кўтаришимиз, ҳаммага бир хил эмас, балки билимга қараб турли даражали дипломлар беришни жорий этиш зарурдир.

Ҳозир мамлакатимиз олий ўқув юртларида 85 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Шулардан қайси бирлари биз учун зарур, қай бирларига эҳтиёж кам, яна қандай мутахассисликлар бўйича ўқишни йўлга қўйиш лозим? Бу саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Республика Фанлар академияси ва ишлаб чиқариш ташкилотлари мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқиб, аниқ тавсиялар беришлари лозим. Шунга қараб керакли мутахассилар бўйича давлат буюртмаси шакилланади. Олий ўқув юртларига қабул қилинувчилар сони белгиланиб, давлат стипендияси ажратилади. Бундан ташқари ўз ҳисобидан ўқишга кирувчиларга ҳам кенг йўл очиб берилади. Хуллас, илм олиш борасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Зеро, фан—тараққиёт демакдир. Фанни юксак ривожлантирмай ватаннинг келажаги ҳақида гапириш қийин. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

Бунинг учун эса эски дастурлар асосида ўқиган профессор ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, олий ўқув юртларининг ёш муаллимларини ривожланган мамлакатларга ўқишга юборишни, у ерда малака ошириб келишини йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун, лозим бўлса, «Умид» жамғармасига ўхшаш махсус фонд ташкил этиш керак. Қоларверса, юқори босқич талабаларининг ҳам ўқувнинг кейинги бир-икки йилини дунёдаги илғор ўқув юртларида ўтказишларига имконият яратиш лозим. Хорижий ўқув даргоҳлари билан илмий кенгашлар тузиш, яъни билим олиш соҳасида интеграцияни йўлга қўйиш ҳам замон талабидир, дея таъкидлади Президент.

Олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ўз устида ишлаши учун шароит яратиб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айрим мутахассисликлар бўйича профессор-ўқитувчилар етишмаса уларни чет элдан таклиф қилиш мумкин.

Одатда бирон корхона тўла қувват билан ишламаса, инқирозга юз тутади. Нега бизда айрим институт ва университетлар шундай ҳолатда фаолият кўрсатмоқда? Бу ерда олий ўқув юртларидаги кутубхоналарни зарур адабиётлар билан тўлдириш ҳақида гап бўлди. Аввало эски қолипдаги дарсликлар билан замонавий кадрларни тайёрлаб бўлмайди. Аввало биз ўз дарсликларимизни яратишимиз зарур. Агар хориждан адабиётлар келтиришга эҳтиёж бўлса, улардан фойдаланиш имконияти бўлса, марҳамат, керакли маблағни ажратамиз. Лекин, сал изн берилса, кутубхоналарни совет замонида битилган дарслик ва қўлланмалар билан тўлдириб ташлашга тайёр турганлар ҳам топилади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Рус тилидаги адабиётлар асосида она тилини билмайдиган нўноқ мутахассислар тайёрлаганимиз етар. Бу ҳолда давлат тилига қачон ўтамиз? Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, ватани ва халқига садоқат белгиси эмасми?

Танлаган тараққиёт йўлимиздан изчил боришимиз, ўтказаётган ислоҳотларимиз самарадорлигига эришишимиз, халқимизнинг қиёфаси, дунёқараши ўзгариши учун замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича тузилаётган дастур бизга ҳаракатимиз асоси бўлиб хизмат қилиши лозим, деди Ислом Каримов пировардида. Бунинг учун эса мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишни қатъий йўлга қўйишимиз, мазкур дастурни кенг омма муҳокамасига ҳавола этиб, ватандошларимиз назаридан ўтказиб олишимиз зарур. Токи ў барчамизнинг келажакни ўйлаб амалга оширадиган виждон ишимизга айланиб қолсин.

Мажлисда дастурни такомиллаштириш, унда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан мутасаддди вазирлик, идора, ташкилот ва уюшмалар раҳбарларига топшириқлар берилди. Республика меҳнат вазири О. Обидов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов, халқ таълими вазирининг ўринбосари Ҳ. Масудов, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректори Т. Долимов, биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори Т. Даминов, республика тест маркази директори М. Муҳитдинов ва бошқалар муҳокама этилган масала юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Т. Орипов, Олий Мажлис Раиси ўринбосари А. Қосимов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

УМИД ДАРАХТИНИНГ НИҲОЛААРИ



Замон ва ёшлар

Мустақил Ўзбекистонимизда кейинги йилларда ёшларни таълим олишлари, уларни баркамол фарзанд бўлиб етишишлари учун Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ажойиб ишлар амалга оширилмоқда. Республикамизда минглаб гимназия, коллеж, лицей, махсус таълим-тарбия берадиган билим масканлари шулар жумласидандир. Бундай билим даргоҳларида келажаги буюк Ватанимизнинг минглаб ёшлари билим олишмоқда. Ривожланган хорижий давлатларда ўз билим ва тажрибасини ошираётган кўплаб ёшларимиз борки, улар ҳам албатта юртимизнинг эртанги етук мутахассисларидир.

Тошкент Молия институти қошида ташкил этилган республика Молия лицейида бўлганимизда бу ерда таълим олаётган ёшларни кўриб беҳад қувондик. Ўқувчиларнинг юз-кўзлариданоқ билимга чанқоқлик, фанларга қизиқиш, келажакда юртимизнинг ажойиб мутахассислари бўлиб етишаётганликлари шундоққина сезилиб турибди. Лицейнинг ташкил этилганига эндигина бир йил бўлди. Бу ерда асосан ўрта мактабнинг 9-синфини «аъло» ва «яхши» баҳоларда тамомлаган 90 нафар ўқувчи тўрт мутахассислик: банк иши, бухгалтерия ҳисоб йўналиши, молия асослари ва солиқ асослари йўналишлари бўйича билим олишмоқда.

— Дастлаб бажарган ишларимиз бугун ўз мевасини бера бошлади — дейди лицей директори Тошниёз Аҳмедов мамнунлик билан. — Бир йил — бу жуда қисқа вақт. Лекин ҳукуматимиз раҳбарларининг саъй — ҳаракати билан ташкил топган ўқув масканимизда билим олишни хоҳловчи йигит-қизларнинг сони тобора ортмоқда. Демак, қизиқиш бор. Лицейимизга 9-синфни «аъло» ва «яхши» баҳоларда тамомлаган истеъдодли ёшларни тест асосида қабул қиламиз. Улар математика ва чет тилидан чуқур билимга эга бўлишлари керак. Бизда ҳозирча икки йиллик таълим тизими мавжуд. Ўрта мактаб дастури билан бир қаторда қўшимча дарслар ҳам ташкил этилган. Яна бир қувонарли томони шундаки, бизда 40 эмас балки 80 дақиқалик дарс жорий этилган. Ҳар бир фандан ҳафтада ўртача 40 соат дарс ўтилади. Ўқувчиларимизнинг 70 фоизи фанларни «аъло» баҳоларда ўзлаштирмоқда.

Таълим-тарбия аввало оиладан, мактабдан бошланади. Шундан бўлса керак билим масканида ўқувчиларнинг ота-оналари билан тез-тез учрашувлар, мулоқотлар ўтказиб турилади. Ҳамкорлик ришталари мустаҳкам. Ўрни келганда ота-оналар ҳам жамоа учун ўз ёрдамларини аямайди. Бундан лицей раҳбарлари беҳад миннатдор. Султонмурод Олимжонов ташаббуси билан улуғ бобомиз Амир Темир таваллудининг 660 йиллик тўйи муносабати билан аълочи ва жамоатчи ўқувчиларнинг бир гуруҳи қадимий Самарқандга саёҳатга боришди. Х. Аҳмедов, А. Набиев, М.Жўраевлар ҳам лицейнинг жонкуярларидан.

— Республика Молия лицейнинг институтимиз қошида ташкил этилганлигининг ҳам ўзига хос афзалликлари бор, албатта — дейди биз билан суҳбатда институт ректори, академик Мурод Шарифхўжаев. — Аввало, ўқувчиларда талабаликка бўлган иштиёқ ортади, яхши мутахассис бўлиб етишади. Шундай экан, ёшларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш биз устозларнинг шарафли вазифамиз. Яқинда республика Олий таълим вазирлиги лицейга еттита замонавий компьютер ва нусха кўчирувчи аппарат совға қилди. Биз бундан беҳад қувондик.

... — Барча муваффақиятлар ўзимизники — дея давом этади Т.Аҳмедов. — Лекин қилиниши лозим бўлган юмушларимиз ҳам талайгина. Биринчидан, яқин келажакда лицей ўқувчиларини ётоқхона, стипендия, иссиқ овқат билан таъминлашни режалаштирганмиз. Иккинчидан, эса республикамизнинг олис вилоятларида ҳам танлов ўтказиб иқтидорли йигит-қизларни ўқув масканимизга жалб қилмоқчимиз. Булар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Лекин интилсак, ички имкониятларни ишга солсак мақсадга эришамиз. Илм-фан тараққиёт омили экани ҳақида юртбошимиз «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида шундай деган эдилар: **«Зеро, фан — тараққиёт демакдир. Фанни юксак ривожлантирмай, Ватаннинг келажаги ҳақида гапириш қийин. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир».** Умид билан экилган дарахт ҳеч қачон мевасиз қолмаганидек, бугунги ёш авлод эртага Ўзбекистонимизнинг етук мутахассислари бўлиб етишадилар.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.
Ў. ШАРИПОВ олган суратлар.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ФАРҒОНАДА ҚЎЙЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ БОРМИ?»

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 12 апрель сонида чоп этилган «Фарғонада қўйчилик истиқболи борми?» сарлавҳали мақоласини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатдан ҳам мақолада кўтарилган муаммолар долзарб бўлиб, уларнинг ечимини топиш қўйчиликни ривожлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Вилоятда яйловлар ва озуқабоп экинлар майдонининг етишмаслигини эътиборга олиб, қўшни Қирғизистон Республикасидаги яйловлардан фойдаланиш борасида республика раҳбарияти томонидан давлатлараро битим имзоланган. Шунга кўра, вилоят хўжаликларидаги чорва молларини ёзги яйловларга кўчириш белгиланган ва амалга оширилмоқда.

Муаллиф томонидан мақолада асосан учта муаммони ечиш бўйича таклифлар берилган.

1. Вилоятдаги қўйчиликни сақлаб қолган ҳолда 40-50 бош қўйни боқишга ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш.

Агар биз муаллифнинг таклифига кўра, 40-50 бош қўйларни боқишга ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этадиган бўлсак, унда улар Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган қатор имтиёзларга эга бўла олмайдилар. Чунки ушбу қарорда белгиланган имтиёзли шартлар камида 30 шартли бош (300 бош қўй) чорва молларига эга бўлган деҳқон (фермер) хўжаликларига татбиқ этилади.

Шунинг учун вилоятда мулкчиликнинг шакли ва фаолиятидан қатъий назар (ҳиссадорлик, деҳқон (фермер), хусусий, давлат, жамоа) барча хўжаликларида кичик қўйчилик фермаларини тиклаш лозим. Шундай қилинса, оз миқдордаги қўйларни ем-хашак билан таъминлаш борасида қийинчиликлар қисман бўлса ҳам бартараф этилар эди.

2. 5-10 бош қўйларни боқаётган шахсий хонадонларни давлат йўли билан етарли даражада ем-хашак билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш ташкил этиш масалалари ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 апрелдаги 215-сонли қарорига мувофиқ шахсий ёрдамчи хўжаликларига уларнинг буюртмаларига асосан Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» ДАКга омухта ем ва пахта шротини ажратиб, сотишни ташкил этиш топширилган. Шу билан бирга аҳолидаги чорва молларини эмлаш мақсадида ишлатиладиган ветеринария дориворларини хориждан сотиб олиш учун 365 млн. сўм миқдоридаги маблағ ажратилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Бундан шундай хулоса қилиш керакки, республикамизда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжаликларга тенг имтиёзлар берилган ва давлат томонидан амалий ёрдам бериб борилмоқда. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўйчилик хўжаликларини ташкил этиш лозим. Бунинг учун барча имкониятлар етарли деб ўйлаймиз.

3. Водий шароитига чидамли, тез ўсадиган, майин жунли қўй зотларини етиштириш.

Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 1993 йил 2 сентябрь 13/6-сонли қарорига асосан Фарғона вилояти хўжаликлари асосан жайдари ва ҳисор зотли қўйларни урчитишга районлаштирилган. Ушбу қарорга ва Ўзбекистон Чорвачилик илмий тадқиқот институти олимлари берган тавсияларга асосан вилоятнинг табиий иқлим ва хўжалик шароитларига гўшт-думбали йўналишдаги қўй зотлари кўпроқ мос келади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирлар амалга оширилса, вилоятда қўйчиликни ривожлантириш ва самарали соҳага айлантириш учун барча имкониятлар етарли деб ҳисоблаймиз.

Чорвачилик, пиллачилик, озуқа етиштириш мажмуи раисининг ўринбосари О. СОБИРОВ.

«БУ ҚИШЛОҚ ЎГАЙМИ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 13 март сонида чоп этилган «Бу қишлоқ ўгайми?» сарлавҳали мақола Қарши туман ҳокимлиги томонидан ўрганилиб, қуйидагилар маълум қилинади.

Қарши туманидаги «Насаф» жамоа хўжалигининг Пармитон, Ниёзмудин, Қозикент қишлоқларида ҳозирги кунда 468 хонадон ҳисобида 3048 нафар аҳоли яшайди. Қишлоқда бош режа асосида уй-жойлар қурилиб, асосий кўчалар хўжалик томонидан ободонлаштирилган. 410 та хонадон табиий газ билан таъминланган. Қишлоқларда ичимлик сув қувури қурилмаганлиги сабабли сув техника билан ташиб келтирилади.

Қишлоқлар илгари оқар сув билан М-3 канали орқали гидроузелдан келадиган «Бешкент» ариғидан таъминланган. Ҳозирги кунга келиб бу ариқнинг Қарши шаҳар ҳудудидаги қисми кўмилиб кетган. Қишлоқларга оқар сув шу кунгача Қарши бош каналидан дизель насос ёрдамида кўтарилиб оқизилган. Бунда суткасига 1 тонна 200 кг. ёқилғи сарф қилинган. Дизель насосларни ҳар куни тинимсиз ишлатиб туришга хўжаликнинг маблағи етишмайди.

Юқоридаги қийинчиликлар ҳисобга олиниб, ёқилғи билан ишлайдиган насосларни электрлаштириш ва асосий сув ариғини бетонлаштириш мақсадида хўжалик буюртмаси билан ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Туман ҳокимининг ўринбосари Б. МУРТОЗАЕВ.

Иқтисодиёт олами

«ДАРА»НИНГ ЗИЛОЛ СУВИ

НАВОИЙ. Нурота туманидаги «Нурота» жамоа хўжалиги марказига тоза ичимлик суви келтирилди. Натижада қўйчивонларнинг асрий орзуси ушалди. Бу ўринда қарийб 10 километр масофага ётқизилган қувурли сув йўли қўл келди. Ҳозир «Дара» тоғолди массивидан хўжалик марказига қараб соатига 1600 кубометр сув оқаяпти. Бу эса ҳам аҳолининг, ҳам томарқа хўжаликларининг об-ҳаётга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда. Яқин орада марказдаги 13 та қишлоқнинг ҳаммаси зилол тоғ суви билан таъминланади.

Музаффар ШАРОПОВ.

НУРЧИЛАР УЙЛИ БЎЛИШДИ

БУХОРО. Қадимий шаҳарнинг 25 асрлик тўйи арафасида Бухоро электр тармоқлари корхонасининг ўн ишчисига янги уйларнинг калитлари топширилди. Бухоро шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари маросимда янги уй эгаларини муборакбод этиб, уларга бахт-саодат тиладилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

ТОМОРҚАДАГИ ҚАБР

Далли-ғулли одамнинг ўрни дарров билинади. Қишлоқда учтўрт кун кўринмаган Суюн бувания ўйқлаб қолишди.

— Бир жойга кетганмилар? Ёки мазалари йўқми?

Сўраганларга бувания кенжатойи — Қилич жавоб қиларди:

— Зоминга ўтаман, қариндошларни йўқлаб келай, дегандилар. Эрталаб кузатиб қўйдим.

Орадан ҳафта ўтди. Суюн Раҳимбердиев қайтавермади. Бундан бувания фарзандлари, қўни-қўшни, яқинлари хавотирга тушдилар.

— Нима кераги бор, чанг чиқаришни. Айтдим-ку отам Янги йил оқшомида қайтадилар.

Қиличнинг узил-кесил таъкиди таскин берди. Яна ҳамма ўз юмушига шўнғиди. Маълум вақт бу ҳолни унутдилар. Ана-мана, дегунча Янги йил ҳам кирди. Аммо С.Раҳимбердиевдан дарак йўқ эди.

— Отамнинг икки сигирини сотиб, у кишини олиб келмасам бўлмайди чоғи. Ҳамма сўрайверив, жонимга тегди.

Қилич аёлига шундай, дея бозорга тушди. Икки молни 35000 сўмга пуллади. Буғдой ва майда-чуйда харид қилиб, уйга қайтди. Отасининг изсиз йўқолишидан хавфсираган ўғил — Бозорбой эса маҳалла оқсоқоли билан келишган ҳолда милицияга арз қилди.

1992 йил эди. Суюн бувания кампири қайтиш қилди. Онани иззат-ҳурмат билан сўнгги манзилга кузатдилар. Фарзандлари, турмуш ўртоғи аянинг маросимларини ўтказишди. Кўни-қўшни, яқин биродарлари бувага сабр тилашди. Кўнглини сўраб турдилар. Орадан ой, йил ўтди. Кампирига суяниб қолган Суюн Раҳимбердиевга ўтган ҳар кун йиллардек узун эди. Овунайин, деган мақсадда у, бу фарзандларникига юриб кўрди. Бўлмади.

— Нега болаларим тушунишмайди. Лоақал кўнглим учун ҳам...

Тўғрисиям Суюн бувани фарзандлари тушунишмади. Оталари олдидаги фарзни — онамнинг умрлари қисқа экан. Аллоҳнинг иродаси. Сизни уйлантирайлик, дейишмади. Ота ана шундан жаҳлланиб юрди. Охири уйланишга жазм қилди. Боши очиқ аёллардан бирини никоҳига олди. Аммо у аёл узоқ турмади. Кетиб қолди. Иккинчи аёлни топди. Уям тезда хайрлашди.

Энди икки оғиз сўз ўгай оналарнинг қўнимсизлиги ҳақида. С.Раҳимбердиевнинг уйланиши фарзандларини таажжублантирган эсада, кўп ўтмай улар бунга кўникишди. Лекин отанинг «бадҳулқини» кенжа ўғил — Қилич ҳазм қилолмади. Унинг хаёлини отасининг молу мулкига эгалик қилиш ҳисси аллақачон қамраб олганди. У бирга яшарди. Меросхўр.

— Отам бу хотинларидан фарзанд кўрса, тегишимдан қуруқ қолмайманми?

Ана шу савол уни тинч қўймади. Ўгай оналарнинг тезроқ қорасини ўчиришга киришди. Жанжал-тўполон қилиб, уларни ҳайдади. Мақсадини осонликча амалга оширди. Падарибузруквонинг эл-юрт олдида гап-сўзга қориб ташлади.

— Суюн чол биронтасини топиб олди чоғи. Энди келмайдиёв.

Айрим ҳангоматалаблар отахон кўринмай қолгач кўча-кўйда шундоқ ҳам, деб юришди. Чунки аччиқ устида бундай ҳол бўлишиям мумкин эди.

Аниқланилсаки, иш тамомила тескари кетган экан. Ўтган йилнинг 11 декабри. Каракент қишлоғида тўй бўлганди. Унда қатнашиб, ўйин-кулгидан завқланганлар орасида 70 ёшли Суюн Раҳимбердиев ҳам бор эди. Уям бошқалар қатори еди-ичди. Базмдан ҳузурланди. Сўнг жиянига эргашиб, уйига қайтди. Ҳовлига киргач, ҳамроҳига рухсат берди.

— Қайтақол, улим. Бу ёғига ўзим.

Шундоқ, дея у жиянини бағрига босди. Шу тобда уни тақдирнинг қай тарозиси кутаётганини бечора қаёқдан билсин.

... Мол-дунё қўлнинг кири, деймизу, мол-дунёга югурамиз. Эл-юрт қақшайди бу ҳаракатдан. Қариндош-уруғчиликка дарз кетади. Нега шундай? Унинг жавоби оғир. Фақат айтадиган бир гап бор. Мол-мулк талашишлар ибтидоий даврдаям бўлган, ҳозирам мавжуд. Лекин унга бировнинг жонига қасд қилиш эвазига эришиш баттолликдир. Уни у дунё ҳам, бу дунёям кечирмайди.

Икки орада жанжал бўлавергач, Суюн бува уйидан ҳатто овқатланмай қўйди. Ер-жойни, мол-мулкни талашаётган ўғли — Қиличга тушунтиришга уринди.

— Болам, йигирма яшармидимки фарзанд кўрсам. Иссиқ-совуғимга, кир-чиримга қараб турадми, деб ўйланганимни неча марта айтяпман. Наҳотки, тушунмасанг. Топган-тутганим сеники. Ўримга елкалаб кетмайман.

Тўрт фарзанднинг отаси бўлиб, турмушнинг ўнқир-чўнқирини кўрса-да, бетга чопарлиги қолмаган Қилич отасига зарда қиларди.

— Бир балоси бўлмаса, оёғи гўрга яқинлашган мўйсафид уялмай-нетмай ўйланармиди?

Пушти камаридан бўлган ўғилнинг заҳарханда пичингларидан аччиқланган ота бу гал болохонали қилиб сўкиб берди. Аммо яхшигина таъзириниям еди. Роса тепкиланди. Бошидан жароҳат олди. Бундан дарак топган милициянинг участка вакилига чора кўришликка розилик билдирмади. Кейин тушунади, деди.

Зимдан, гоҳида очиқ муштлашувлар ҳақидаги узуқ-юлуқ гаплар қишлоқда эшитилиб турди. Бувания ўғли Бозорбой ҳам бундан хабардор эди. Бирини отам, иккинчисини укам деди. Аралашмади. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолди.

Ҳеч қаерда ишламай юрган Қилич 11 декабрь куни Самарқандга савдо иши билан кетган аёли Саодатни интиқлик билан кутди. Унинг кечикиб келишидан аччиқланди. Аёли кўринган замон тили айланди.

— Арақ олиб келдингми?

Рад жавобини олгач, Саодатдан 60 сўм олди. Арақ ичгани кўчага чиқиб кетди. Шу бўйи эртаси эрталаб соат бешларда уйига кирди. Хотинига бақириб, асаби қақшади. Эрининг важоҳатидан қўрққан аёл тонгнинг қолган қисмини сомонхонада оттирди. Асаббузарлик, безовталик сабабини Қилич Раҳимбердиев тергов давомида оқизмай, томизмай айтиб берди.

Турмуш ўртоғидан пул олган Қилич охирги тангасигача сарфлаб, спиртли ичимлик ичади. Кейин эса отасини тўйдан қайтишини пойлаб ётади. Ҳеч қанча ўтмай падарибузруквори кўринади. Шунда Қиличдаги одамгарчилик, фарзандлик меҳри ўрнини ёвуз ният — уй-жой, мол-мулкни эгаллаш ҳирси қоплайди. Унинг дунёга келишига сабаб бўлган азиз инсон — ўз отасини уради. Ёрдамга муҳтож мўйсафиднинг қўл-оёғини боғлаб, ип билан буға бошлайди. Отасининг

Ёмон бошини ейди

илтижоли нолаларига қулоқ осмайди. Қария жон таслим қилгач, уй орқасидаги томорқага олиб ўтади. Лой олинган чуқурга жасадни кўмади. Устидан пиёз экиб ташлайди.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари судлов ҳайъатининг Жомбой туман ИИБ клубидаги сайёр мажлиси ушбу ишни кўриб чиқди. Судланувчи Раҳимбердиев Қилич Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в», «ж», «и» бандлари билан айбли деб топилди. Унга ўлим жазоси тайинланди.

Жамиятимиздаги ҳар қандай ҳавфли ижтимоий иллат ёки содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларни ўрганиб чиқсак, уларнинг илдизлари муносабатларимиздаги, ўртамиздаги адабсизлик ва ахлоқсизликларда эканлигини яққол сезамиз.

Халқимизда шундай ҳикмат бор. «Ўғрилик битта нинадан ёки битта тухумдан бошланади». Албатта бу аждодларимиз донишмандлигини асрлар мобайнида йиғилган, мужассамлашган фикридир. Чунки ҳаётда арзимас туюлган адабсизлик уруғи, агар вақтида унинг олди олинмаса, униб чиқиб, ахлоқсизликка ундан эса ҳақсизликка, зўравонликка ва охир оқибат одам ўлдиришга олиб келади. Юқоридаги қотиллик ҳам шу тарзда юзага келган. Вақтида олди олинганда бундай иснод, падаркушлик содир этилмаган бўлур эди.

Муҳиддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи.
Қурбон ЭШМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

☑ **Россия мудофаа вазири Игорь Сергеев Москвага ташриф буюрган Польша Миллий мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Анджей Каркошко билан музокаралар ўтказди.**

* * *

☑ **БМТ Бош котиби Тожикистонда БМТ миссияси мандатини узайтиришни тавсия этди.**

* * *

АҚШ Федерал қидирув бюроси директори Луис Фрейнинг айтишича, мазкур бюро агентларидан ўғирланган қурол ҳозирги пайтда тезкор равишда қидирилмоқда.

* * *

☑ **Ўтган ҳафтада АҚШ денгиз пиёдалари Сьерра-Леоне давлатидан 1300 нафар хорижликларни, шу жумладан 400 нафар АҚШ фуқароларини олиб чиқиб кетдилар.**

* * *

☑ **Франция Бош вазири Л. Жоспен мамлакат Президентига янги шакллантирилган ҳукумат таркиби рўйхатини тақдим этди.**

* * *

☑ **Польша суди Сергей Станкевич ишини кўриб чиқишни кейинги муддатга қолдирди.**

* * *

☑ **НАТО аъзоси бўлган 9 мамлакат Европада ўтказилаётган ҳарбий ҳаво манёвр машқларида иштирок этади.**

* * *

